


БУХОРО
УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ
АХБОРОТЛАРИ

1
2000



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги

**The Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

БУХОРО УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ
АХБОРОТЛАРИ

SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE
UNIVERSITY

1

2000

Бухоро - 2000

Таҳрир ҳайъати

К.М.Муқимов - ЎзРФА академиги, ҳайъат раиси

О.М.Ёриев - к.ф.д., профессор, раис ўринбосари

Б.Я.Аҳмедов - ф.ф.н., доцент, бош муҳаррир

А.А.Ҳайдаров - т.ф.н., доцент, ҳайъат котиби

Аъзолар: профессорлар: Р.Аълоев, М.Абдуллаев, С.Бўриев, М.Болтаев, Р.Воҳидов,
Ю.Ёқубов, Х.Неъматов, Б.Наврўз-Зода, С.Саидов, О.Сафаров, Б.Умаров, Ф.Қосимов, У.То-
жиев

доцентлар: Ш.Баротов, С.Абдуллаев, И.Назаров, М.Жумаев, М.Олимова

Таҳририят манзили: 700018, Бухоро ш., М.Иқбол кўчаси, 11 уй,
Бухоро давлат университети «Нашриёт»
бўлими, 101, 204-хона.

Телефон: 223-01-70

Факс: 223-12-54

Муҳаррир - Б.Аҳмедов

Техник муҳаррир - А.Ҳайдаров

Мусахҳиҳ - Л.Идиева

Мусаввир - Р.Чепкунов

А Н Н О Т А Ц И Я

В статье «ПРОБЛЕМЫ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ
МУЗЫКАЛЬНЫХ ЗАНЯТИЙ»

А.Э.Кушаева, И.А.Кушаева

Рассматриваются проблемы проведения индивидуальных музыкальных занятий в высших учебных заведениях Республики. Проблемы совершенствования системы приемных экзаменов, подготовки программ, учебников, учебных и наглядных пособий, обеспечения техническими средствами обучения и фономатериалами, широкого привлечения в учебный процесс узбекского музыкального наследия и произведений мировой музыкальной классики, внедрения педагогической технологии, системы рейтинга, сценической подготовки студентов и концертной деятельности преподавателей являются наиболее актуальными и требуют своего решения.

In the article «The problems of the individual musical studies», bachelor of science, docent of the faculty of the theory of music and folk instruments of BSU Kushayev A.E and the teacher of this faculty Kushaev I.A examine the problems of the individual musical studies in a higher educational establishments of the Republic.

The problems of improving the system of entrance examination, preparing the programmes, textbooks, visual aids, provision with the technical means of education and phonomaterials, wide attracting teaching process of uzbek musical legacy and the works of the world musical classic, inculcation of pedagogical technology, the system of rating, scenic preparing the students and the concert activity of teachers is actual and require its decision.

УДК. 33.338.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ»
Ҳ.Р Ҳамраев

«Оллоҳ ўз саховатини Ўзбекистондан аямаган» десак, хато бўлмайти. Чунки бу юртда нафақат кўплаб хилма-хил ноз-неъматларни яратиш, бой, фаровон, инсонга мос тарзда яшаш, балки кўплаб ўзга юртликларга ўз диёрини кўз-кўз қилиш ҳамда бунинг орқасидан катта даромадлар кўриш имконияти мавжуддир.

Албатта, дунёда жаннатмакон юртлар, туризм учун жуда яхши шароит яратиб қўйилган мамлакатлар кўп, яъни дунё туризм индустриясида Ўзбекистоннинг рақобатбардош бўлиши жуда қийин. Шу ўринда, денгиз қирғоғига эга бўлмай туриб ва дунёнинг асосий туристик зоналаридан узоқ бўлган Ўзбекистон Республикаси бақувват туристик индустрия ярата оладими деган табиий савол туғилиши мумкин. Бу саволга «ҳа, яратиб бўлади, яратиш зарур» деб жавоб бериш жоиздир. Бунинг тўғрилигини бошқа давлатларнинг тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Мисол тариқасида Венгрияни олиш мумкин. Венгрия республикаси дунёнинг энг асосий туристик районларига кирмаса ҳам, туризмнинг муҳим турларидан бўлган оф-тобда товланиш ва тоғ туризмига шароит бўлмай туриб (Венгрия, бизга маълумки,

денгиз қирғоғига эга бўлган мамлакат эмас ва демакки денгизда чўмилиш учун шароит йўқ ҳамда қўшниси Швецария каби гўзал тоғларга ҳам эга эмас) ривожланган, қудратли туризм индустриясини ярата олган. Ўзбекистонга нисбатан 2,5 марта кам аҳолига, қарийб 5 марта кам майдонга эга бўла туриб, Венгрия дунёнинг гигант мамлакатларидан кўпроқ сайёҳларни ўзига жалб қила олган. Ҳозирги пайтда, у дунёнинг 10 кучли туристик индустрияси ривожланган давлатлар қаторига киради. Демак, бақувват туристик индустрия яратиш учун асосий туристик районда бўлиш ҳам шарт эмас, чўмилиш учун денгиз қирғоқларига эга бўлиш ҳам шарт эмас.

Иккинчи томондан, 20 аснинг кейинги ўн йилликлари тараққиёти шундан далолат бериб турибдики, бозорга (жумладан, бизнинг проблематикамиз учун туризм бозорига) янги, арзигулик товар ёки хизмат билан чиқа олган, одатда даромадсиз қолмайди. Шу нуқтаи назардан ҳамда дунё миқёсида туристлар сонининг ошиб бораётганлигини (1950 йилда дунёда 25 млн турист бўлган бўлса, ҳозирги пайтда 0,5 млрд кишига етди ва унинг ўсиш суръати ҳар йил яқин келажакда 3-5% ни ташкил этади) инобатга олиб, Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун бор ички имкониятларни ишга солмоғи ҳамда кучли, қудратли туризм индустриясини яратиш учун чет эл сармоядорларини жалб қилмоғи зарур.

Маълумки, ҳозирги замон туризм индустрияси жуда ҳам катта қулоч ёйган хилма-хил соҳа ва тармоқларга эга. Албатта, Ўзбекистон туризм индустриясининг ҳамма тармоқларини ривожлантира олиш имкониятига эга эмас. Бундан Республикамиз ҳамма соҳалар бўйича илғор туристик мамлакатлар билан рақобат курашига бардош бера олади, деб ҳам бўлмайди. Шунинг учун туризмнинг қайси соҳа (тармоқ) ларида Ўзбекистон катта имкониятларга эга эканлигини билиш жуда муҳимдир.

Биз қуйида Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантиришнинг муҳим имкониятларига тўхталиб ўтмоқчимиз:

1. Шаҳар туризми.

Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро каби йирик, замонавий шаҳарларда шаҳар туризмни ривожлантиришнинг кўплаб имкониятлари мавжуд. Албатта, биринчи навбатда Тошкент шаҳри дунёнинг катта бир минтақасининг илмий, сиёсий, маданий маркази сифатидаги устунликларини туризмни жадал ривожлантиришга сафарбар қилса бўлади. Юқорида саналган бошқа шаҳарлар эса регион миқёсида шаҳар туризмнинг катта потенциалига эга ва бу потенциални ишга солиш зарур.

2. Аждодлар меросини кўрсатиш туризми.

Ўзбекистон туризмнинг бу турини ривожлантириш жуда катта имкониятларга эга, чунки у дунё цивилизацияси ўчоқларидан бирида жойлашганлиги учун 2-3 минг йиллик бой тарихга эга бўлган кўплаб шаҳар (Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Терларнинг бир қисмигина ўзига сайёҳларни жалб қилмоқда, асосий қисми эса ё ўрғанилмаган ёхуд харобага айланиб ташланиб қўйилган, айримлари эса бошқа мақсадда ишлатиб келинмоқда).

Иттифоқ тизими даврида шу меросимизни чет эл ва ички сайёҳларига кўз-кўз қилиш учун айрим минимал шароит яратилган эди, десак бўлади. Бу шароит, му-

тақиллик йилларида қисман яхшиланди. Аммо бу бутун дунёдан туристларнинг кўплаб келиши учун етарли деб бўлмайди. Бунинг учун илғор мамлакатлар даражасидаги туризм сервисини яратиш, замонавий туризм коммуникацияларини буёндга келтириш, ишни оқилона ташкил этиш зарур. Ўша пайтдагина иш яхши самара бериши мумкин. Ҳозир фақат айрим шаҳарларнинг тарихий обидаларини чет эл туристлари кўрмоқда, аммо кўплаб қишлоқ ва қўрғонлардаги аждодлар меросини туризм объектларига айлантириш муаммоси ўз ечимини кутмоқда. Ҳатто эски туристик марказлар (Самарқанд, Бухоро қабилар) нинг туристик потенциалнинг жуда ҳам кам қисми ишлатилмоқда. Мисол учун Бухоронинг Буёнқулихон, Файзиобод, Чор-Бақр, Аркнинг анчагина қисми, Баҳорзий каби обидалари ё ташландиқ ҳолда, ёки хароба ҳолатидадир.

3. Тоғ туризми

Тоғлар денгизлар каби қадимдан кишиларни ўзига мафтун этиб келган. Тоғ манзаралари, соф ҳавоси ва тиниқ сувлари туризмни ривожлантириш учун жуда катта капиталдир. Ўзбекистон жуда гўзал, салқин, баҳаво тоғларга эга. Бу тоғ ва тоғ олди гўшаларида туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яшириниб ётибди. Тоғ туризмни ривожлантиришга Швецария мамлакати намуна бўлса арзийди. Бу мамлакат кичик бир территорияга эга бўла туриб, дунё миқёсидаги бақувват тоғ туризмни ярата олган. Албатта, бу жуда катта маблағ ва меҳнатни талаб қилади.

Ўзбекистонда Швецариянинг машҳур курорт зоналари билан табиий шароити жиҳатидан бемалол беллаша оладиган районлар (Бахмал, Бойсун, Ғазалкент,...) бор. Бу гўшаларда замонавий туризм инфраструктурасини яратиш керак. Бунинг учун эса чет эл инвестициясини оқиб келишини таъминлаш зарур. Фикримча, бу районларда очиқ туристик иқтисодий зоналар тузилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу табиат гўшаларида тоғ спорти турларини серқуёш, офтобда чиниқиб дам олиш, тоғ табиати манзараларига саёҳатлар ташкил этиш билан қўшиб олиб борилса, даромад жиҳатдан жуда юқори самара келтириши мумкин.

4. Қишлоқ туризми

Ўзбекистон серқуёш ўлка ҳамда қадимий ва ривожланган ирригация тизимига эга бўлган мамлакат сифатида жуда ҳам кўп боғ - роғларга, гўзал дала - яйловларга эга. Бу туристик капитални ишга солиб ҳамда ўзбек қишлоқларида яшовчи халқнинг қадимий маданиятига, очиқ кўнгиллиликка ва меҳмондўстликка таяниб, қишлоқ туризми ўчоқларини яратиш мумкин. Бунинг учун албатта жуда мураккаб масалани оқилона ечиб билиш керак. Бир томондан бу районларга ҳозирги замон цивилизациясини келтириш, иккинчи томондан эса ўзига хос қишлоқ цивилизациясини сақлаб қола билиш керак.

Кўплаб ўзбек қишлоқларининг яна бир муҳим хислати бор. Бу қишлоқлар асрлар давомида нафақат деҳқончилик, балки турли хил ҳунармандчиликнинг ўчоқлари бўлиб келган ва келмоқда. Бу қишлоқларда туристлар учун хар хил сувенирлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

5. Зиёрат туризми

Ўзбекистон тупроғида мусулмон дунёсининг кўплаб зиёратгоҳ, муқаддас жойлари мавжуд. Бу эса Ўзбекистонда кўплаб диний алломалар, пир-авлиёлар ва табаррук

зотлар ўтганлиги билан боғлиқ. Баҳовуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Ат-Термизий каби зотлар яшаган, абадий уйқуга кетган жойлар мўмин мусулмонлар учун муқаддас жой ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Баҳовуддин, Нурота, Арслонбобо каби ўнлаб зиёратгоҳлари атрофида зиёратчиларни қабул қилиш, жойлаштириш, сервис хизматлар кўрсатадиган, сувенирлар ишлаб чиқарадиган бутун бир туризм индустрияси комплексларини яратиш мумкин. Туризмнинг бу турига шароит яратиш учун Макка, Қуддус каби шаҳарлар намуна бўла олади. Албатта, бу зиёратгоҳ - шаҳарлар даражасида эмас, балки кичик ҳажмдаги комплексларни яратиш мумкин. Бу комплексларнинг ўзи секин-аста зиёратчилар оқимини ошира боради.

Ривожланиб келаётган мусулмон мамлакатлари оммавий туризм даражасига ўсиб чиқиши кўп жиҳатдан зиёрат туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ. Шунинг учун туризмнинг бу турига катта эътибор бериш керак, унга умид боғласа бўлади.

Ўзбекистон ва унинг яқин қўшни мамлакатлари ҳали оммавий туризм даражасига яқинлашган эмас, аммо бу мамлакатларда ҳам зиёратчилар оқими ўсиб боришини инобатга олиш керак. Бундан ташқари туристик бум арафасида бўлган мусулмон мамлакатлари: Индонезия, Малайзия, Туркия, қисман Эрон ва Араб мамлакатларидан кўплаб зиёратчи-туристларни Ўзбекистоннинг зиёратгоҳ жойларига жалб қилса бўлади. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин халқимиздаги диний уйғониш ҳам ички зиёрат туризмига катта имкониятлар очиб бермоқда.

6. Офтобда товланиш туризми

Афсуски, Ўзбекистон денгиз мамлакати эмас. Шунинг учун туризмнинг бу турини катта ҳажмда ривожлантира олмайди. Аммо, Ўзбекистон ҳамда унинг яқин қўшнилари (Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Россиянинг Ўзбекистон ва Шарқий Сибир, Урал қисмлари) денгиздан узоқлигини инобатга олиб, шу ўлкалар халқини Ўзбекистоннинг гўзал кўл ва сув омборларида чўмилиш, серқуёш офтобида товланиш учун жалб қилиш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон Орол денгизи Амударё, Сирдарё ва бошқа ўнлаб дарёлар, тоғ ва тоғ олди кўллар, суғориш системасининг бир бўлаги ҳамда оқибати сифатидаги кўплаб сув омборлари ва кўлларга эга. Бу сув ҳавзалари атрофида туризмнинг инфраструктураси элементларини барпо этиб, замонавий туризм индустриясининг ўчоқларини яратиш мумкин.

7. Балиқ овлаш туризми.

Ўзбекистоннинг балиқ овлаш мумкин бўлган, юқорида санаб ўтилган кўплаб сув ҳавзалари мавжуд. Бу сув ҳавзалари атрофида балиқ овлаш билан шуғулланувчиларни ўзига жалб қиладиган комплекслар яратиш мумкин. Бундай туристик базаларни илғор мамлакатларда ҳам (масалан, АҚШнинг Аляскасида), ривожланаётган мамлакатларда (Кариб денгизи оролларида, Океания оролларида) ҳам ташкил этишган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўз ичидан ва яқин қўшнилардан балиқ туризми ихлосмандларини кўп топа олмайди. Аммо келажакда туризмнинг бу тури ўзбек туризми структурасида ўз ўрнини топиши муқаррардир.

8. Томоша кўриш туризми

Ўзбекистонда туризмнинг бу турини ривожлантиришга шу пайтгача деярли эътибор беришмаган. Бироқ, Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданиятида туризмнинг бу турини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яшириниб ётиб-

ди. Халқ сайиллари, халқ мусиқаси ҳамда халқ ўйинларининг фестивалъ ва бошқа хил байрамларини ташкил этиш йўли билан кўплаб чет эл сайёҳларини жалб этиш мумкин. Бу жиҳатдан ўзига хос маданиятига эга бўлган Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларининг потенциал имкониятлари жуда катта. Албатта, туризмнинг бу тури катта маданият ўчоқлари, йирик шаҳарларда, туризм индустрияси яхши ривожланган жойларда самара беради. Бунга Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрининг тажрибаси намуна бўла олади. Рио-де-Жанейро гўзал шаҳар, архитектура-си бой, иқлими ёқимли, жаҳонга машҳур пляжлари мавжуд. Шулар билан бирга, бу шаҳар ўзининг машҳур карнавали туфайли бутун дунёдан юз минглаб сайёҳлар оқимининг келишини ташкил қила билган. Ёки Италиянинг машҳур Венеция шаҳри ҳам чет эл туристларини ўзига нафақат гўзал архитектураси билан жалб қилади, балки ҳар хил карнаваллар, томошалар ташкил этиш йўли билан ҳам туристлар оқимини оширишга интилиб келмоқда.

Биз Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имкониятларининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Бу соҳадаги изланишларни туризм амалиёти ривожланиб бориши билан давом эттириш мумкин. Ҳаётнинг ўзи, кейинги тараққиётимизни ўзи туризмнинг қайси соҳа ва тармоқлари энг яхши самара беришини, қайсиларига катта эътибор беришимизни кўрсатиб беради. Бироқ, ҳозир Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш стратегиясини аниқлаб олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, туризм дунё миқёсида энг тез ўсувчан тармоқлардан экан, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ривожлантириш, халқини бойитиш учун ҳар бир имкониятдан, шу жумладан, туристик потенциалдан фойдаланиш зарурдир.

*Бухоро давлат университети,
иқтисодиёт назарияси кафедраси*

АННОТАЦИЯ

«ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ»

Х.Р. Хамраев

В статье анализируются потенциальные возможности развития туризма в Узбекистане. Хотя Республика находится в периферии туристического мира, тем не менее имеет огромный потенциал. В работе демонстрируются возможности развития туризма в отраслевом разрезе.

ANNOTATION

to the article by H.R. Hamraev

«ADVANTAGES OF THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN»

The article analyses potential possibilities of development of tourism in Uzbekistan. Although Uzbekistan is in the periphery of the tourist world it has vast potential. Advantages of development of tourist branch in Uzbekistan have been analyzed in this article.

МУНДАРИЖА

Болтаев М.Н. Ҳаким ибн Синониғ фалсафий таълимоти	4
Воҳидов Р.Ж. «Ситтаи зарурия»да татаббуъ	10
Сафаров О.С. «Бухорча» рақсларнинг жонўрттар жозибаси.....	19
Муродов Г. «Юлдузли тунлар» романида бадиий кодлар	23
Саидов Е. Фитратнинг имло масаласига муносабати	27
Бақоева М.К. Шеърый матндаги образли услубий воситаларни таржимада қайта яратиш муаммо- ларига доир	31
Қўшаев А.Э., Қўшаев И.А. Якка (индивидуал) мусиқа дарслари муаммолари	36
Хамраев Х.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имкониятлари	41
Орипов М.А. Қишлоқ хўжалиги инфраструктураси самарадорлигини ошириш омиллари	46
Алимов У. Оценка инвестиционных проектов малого и среднего бизнеса	49
Алоев Р.Д. Построение адекватных вычислительных моделей для нелинейных задач	54
Якубов Ю.Н., Мирзаев Ш.М., Болтаев С.А. Расчет плотности потока энергии прямого солнечного излучения на поверхности сферического пояса	61
Кучкарова Д.Ф. Алгоритмы восстановления функции на заданной сети триангуляции	64